ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил "16" июль № 311 Тошкент ш.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2021 йил 22 июндаги 02-РА1/1-1030-сонли топшириғини бажариш, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" Қонунига мувофиқ олий таълимнинг ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" ҳамда "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, UNESCO томонидан жорий этилган "Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" (ТХСК 2011) ва "ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" (ТХСК-С 2013) ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

"Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” 2-иловага мувофиқ;

Олий таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим муассасалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг янги (ТХСК 2011 ва ТХСК-С 2013 га мувофиқ ишлаб чиқилган) ва аввалги кодларини таққослаш учун ишлаб чиқилган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”нинг солиштирма жадвали 4-иловага мувофиқ амалиётда қўлланилсин.

4. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С. Ниязбеков):

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунининг 26 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланганини;

мамлакатнинг барча давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи нодавлат таълим ташкилотлари учун мажбурийлигини олий таълим муассасалари ва тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга етказилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалар ва ўқув дастурлар давлат олий таълим муассасалари томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

2020/2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасалари идоравий бўйсунишидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилида биринчи курсидан бошлаб таълим жараёнини кредит-модуль тизими асосида юритиши;

биринчи курсдан ташқари бошқа курсларда мавжуд меъёрий-услубий хужжатларга мувофиқ рейтинг (баҳолаш) тизими асосида таълим жараёнини жорий таълим дастурлари якунлагунига қадар давом эттирилиши белгилансин.

6. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ олий таълим соҳалари бўйича меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби (кеинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб юритилади) 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Таянч олий таълим муассасалари ректорлари, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов):

тасдиқланган "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" ва "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" асосида мувофиқ равишда тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахасисликлари бўйича малака талабларини касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида 6-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этилишини;

мазкур меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш вазифасини 9-иловага мувофиқ тақвимий режага қатъий амал қилган ҳолда бажарилишини таъминласин.

8. Олий таълим муассасалари ректорлари:

давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқ тегишли ўқув режаларини кредит-модуль тизими асосида 7-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни;

давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқ тегишли ўқув дастурларни 8-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни;

ҳар бир бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси билан биргаликда мажбурий тарзда бакалаврият таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари жадвали ишлаб чиқилишини, ушбу жадвалда фан коди, фан ёрдамида эгалланадиган зарурий касбий компетенциялар, фан қайси курсда ўтилиши, малака талабларида ҳамда касб стандартларида белгиланган компетенцияларга мос равишда ифодаланишини;

мазкур меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш вазифасини 9-иловага мувофиқ тақвимий режага қатъий амал қилган ҳолда бажарилишини таъминласин.

Мазкур меъёрий-услубий хужжатларни мукаммал ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасалариаро маслаҳат гуруҳларини (комиссияларини) ташкил қилиш, ушбу гуруҳларда таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим муассасалари иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

9. Идоравий мансублигидан қатъий назар олий таълим муассасалари зарур ҳолларда (иҳтиёрий тарзда) Ўзбекистон Республикасининг бошқа (таянч) давлат олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган

ва тасдиқланган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва ўқув дастурларини таълим жараёнида ишлатиш ҳуқуқига эгалиги белгилансин.

10. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов):

тасдиқланган "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" ва "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"ни мазмун-моҳиятини барча олий таълим муассасаларига етказилишини ва тушунтирилишини;

олий таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари давлат олий таълим муассасалари томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасалари ўртасида таълим дастурларининг соғлом рақобат муҳити шаклланиши, доимий мониторинг ва таҳлиллар асосида ушбу меъёрий-услубий хужжатларнинг энг илғор ва сифатлиларини аниқланиши йўлга қўйилишини;

2021 йил 20 августга қадар таълим жараёнига оид вазирликнинг бошқарув-маъмурий, меъёрий-услубий ва ўқув-услубий ҳужжатларини мазкур буйруқ асосида қайта кўриб чиқилишини ҳамда тасдиқланган стандартлар билан мувофиқлаштирилишини;

жорий ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасаларига тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилишида яқиндан ўқув-услубий ёрдам ва ташкилий кўмак кўрсатилишини таъминласин;

11. Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази (М.Эсонов) олий таълим муассасалари билан биргаликда:

тасдиқланган олий таълим давлат таълим стандартлари белгиланган тартибда Давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом"га мувофиқ олий таълим фанлари каталоги (Фанлар каталоги)ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этилишини;

Фанлар каталогига киритилган мажбурий ва танлов фанларининг кодларини халқаро стандартлар тамойилларига таянган ҳолда тизимли ишлаб

чиқиш ҳамда олий таълим муассасалари билан биргаликда уларни тайёрланаётган ўқув режа ва ўқув дастурларига татбиқ қилинишини;

олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув дастурлар олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқлиги ҳамда сифати нуқтаи назаридан мониторинг ва таҳлил қилинишини;

мониторинг ва таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига олиб чиқилишини ва баҳоланишини;

2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар кредит-модуль тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда профессор-ўқитувчилар учун мақсадли семинар ва тренинглар ўтказилишини;

олий таълим муассасалари томонидан меъёрий-услубий хужжатлар ишлаб чиқилиши жараёнида уларга яқиндан услубий ёрдам кўрсатилишини;

белгиланган тартибда тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалар ва ўқув дастурларнинг нусхаларини Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш марказида сақланишини;

меъёрий-услубий хужжатлар тайёрланиши юзасидан 9-иловага мувофиқ тақвимий режа асосида изчил мониторинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га олий таълим муассасалари мурожаатига мувофиқ кредит-модуль тизимига асосланган таълим жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизимини йўлга қўйиш, уни созлаш ва ишлатиш масалаларида яқиндан ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

13. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари К.Каримов зиммасига юклансин.

Вазир **А. Тошкулов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил "16" июлда ги 311-сон буйруғининг 1-иловаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ
ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ
Асосий қоидалар

Мундарижа

Кириш
1. Қўлланиш соҳалари
2. Норматив ҳаволалар
3.Таърифлар
4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари
5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар
6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари
7. Ўқув юкламасининг ҳажми
8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

Кириш

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли, "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сон, "Олий таълим

муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон, "Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида" 2020 йил 15 майдаги 287-сон, "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорлари ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Қўлланиш соҳалари

«Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар» (кейинги ўринларда ОТ ДТС деб аталади):

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

ўқув юкламасининг ҳажмини;

таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсуниш ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мансуб ва мажбурийдир.

ОТ ДТСга мамлакат ижтимоий - иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

2. Норматив ҳаволалар

Oz DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎзРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

Oz DSt 1.9-1995. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК 2011, ТХСК-С 2013). UNESCO, 2011-2013 йй.

3. Таърифлар

Мазкур стандартда қуйидаги атамалар қўлланилади:

олий таълим — узлуксиз таълимнинг олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган, юқори малакали мутахассислар тайёрловчи икки босқичдан иборат (бакалавриат ва магистратура) мустақил тури;

бакалавриат — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир;

магистратура — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир;

бакалавр, магистр — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

олий маълумот даражаси — шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва ўқув дастурларини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;

олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

малака талаблари — олий таълим тегишли босқичи битирувчисининг билим, уқув, кўникма ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар;

ўқитишнинг меъёрий муддати — таълим олувчилар томонидан ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

ўқув фанлари блоки — ўқув режаларида белгиланган фанлар мажмуалари, одатта "мажбурий фанлар" блоки ва "танлов фанлари" блокига ажратилади;

ўқув режа — олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги, соатлар ва кредитлардаги ҳажмини таълим даврининг тўлиқ меъёрий муддати учун белгилайдиган меъёрий-услубий ҳужжат;

ўқув юклама – ўқув дастурларни ўзлаштириш учун зарур бўлган академик соатлар ҳажми;

ўқув фани — таълим жараёнида муаян таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган тегишли илмий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий соҳалардан саралаб олинган билим, уқув ва кўникмалар тизими;

ўқув йили — олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2020/2021 ўқув йили;

ўқув семестри — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми. Айрим ҳолларда ўқув семестри ўқув йилининг учдан бир қисмини ташкил этиши мумкин;

ўқув дастури — таълим мазмунини белгиловчи ўқув фанининг асосий мавзулари, мазмуни, ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий-услубий ҳужжат;

малака амалиёти — ўқув жараёнининг назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва уқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва ўқув дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;

якуний давлат аттестацияси — бакалавр ёки магистр академик даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва ўқув дастурларининг ўзлаштириш даражаси ҳамда сифатини баҳолаш жараёни;

ўқитиш сифатини назорат қилиш — таълим олувчининг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

таълим дастури — олий таълим давлат таълим стандартлари ва миллий малакалар рамкасига мувофиқ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режа, ўқув дастурлари ва тегшли методик кўрсатмалардан иборат меъёрий-услубий ҳужжатлар мажмуаси;

таълим сифатини назорат қилиш — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

олий таълим муассасаси аттестацияси — давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш ва кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли;

олий таълим муассасаси аккредитацияси — олий таълим муассасаси фаолияти даражасини олий таълим давлат таълим стандартларининг мезон ва талабларига жавоб бериши ҳамда битирувчилар олий таълим тўғрисидаги хужжатларни бериш ҳуқуқининг давлат томонидан эътироф этилиши;

тажриба орттириш (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш) — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш мақсадида таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, мудофаа, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника
ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши.

4. Олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлар тоифалари ва турлари

4.1. Стандартлар тоифалари.

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

— Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

— Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

Мазкур стандартлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4.2. Меъёрий-услубий ҳужжатлар турлари.

Қуйидагилар олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлари ҳисобланади:

• бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари;

• олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар.

Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг:

малака талаблари олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан;

ўқув режалари ва ўқув дастурлари олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

4.3. Меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлари "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995 стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5.1. Бакалавриат.

Олий таълим бакалавриат йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим билан узвийлик ва

стандартлари, бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки ва танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки киради.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда тегишли соҳаларнинг ўзига ҳос ҳусусиятларига мувофиқ ўқув режаларидаги блоклар таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча мавзулар, масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишларининг таълим жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестацияси билан тугалланади.

Ўқув режалар ва ўқув дастурлар кредит-модуль тизими ҳамда рейтинг (баҳолаш) тизими асосида ишлаб чиқилади.

Рейтинг тизими асосида ишлаб чиқилган амалдаги ўқув режалар ва ўқув дастурлар тўлиқ ўзлаштирилгунига қадар ўз кучида қолади.

5.1.1. Ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

Мажбурий фанлар блоки фанларни чуқур ўзлаштирилишини тақозо этади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини бойитиш, таълим йўналиши ва соҳага оид зарур фундаментал билимлар, касбий кўникма, укув ва компетенцияларни шакллантириши, битирувчига танланган йўналиш ва мутахассислик бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш ҳамда муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

Танлов фанлари блоки бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчилар қўшимча чуқур назарий ва амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини, инновацион усуллар ва соҳанинг ҳудудий омилларини ҳисобга олган ҳолда касбий компетенциялари кенгаишини таъминлаши, таълим траекторияларига мувофиқ касбий билим ва малакаларни ўзлаштиришга имкон яратиши лозим.

5.1.2. Бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.

Таълим олувчилар касбий кўникмаларни мукаммал эгаллаши учун ўқув режалар ва муаян фанларнинг ўқув дастурларида ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) малака амалиётлари назарда тутилиши шарт.

Амалиётлар бакалавриат таълим жараёнининг мажбурий қисми бўлиб, талабаларнинг касбий тайёргарлиги, амалий кўникмалари ва компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилади. Бакалаврлар тайёрлашда қуйидаги малака амалиётлари ўтказилади:

ўқув-танишув амалиёти – иқтисодиёт тармоқлари, тегишли ташкилот, муассаса ва корхоналар билан таништириш, табиий-илмий ва

умумкасбий фанлар бўйича назарий билимларини мустаҳкамлашга қаратилади;

ишлаб чиқариш амалиёти – умумкасбий ва ихтисослик фанларидан назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий (ишлаб чиқариш) жараёнлари билан уйғунлаштириш, тегишли амалий кўникмалар, компетенциялар ва малакаларни шакллантиришга қаратилади;

битирув олди амалиёти – ишлаб чиқаришда (тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларида) касбий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга қаратилади;

педагогик амалиёт – касб таълими йўналишлари учун қўлланилади ва педагогик маҳоратини оширишга қаратилади.

Ҳар бир амалиёт тури ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва реал секторнинг тегишли илғор корхона, ташкилот ва муассасалари, хорижий ва қўшма корхоналар, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқаларда ўтказилади.

Амалиётларни ташкил қилиш, ўтказиш ва талабаларни баҳолаш мезонларини белгилаш олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

5.2. Магистратура.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

Олий таълим магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаган ҳолда олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки, танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки ва илмий фаолият блоки киради.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда тегишли соҳаларнинг ўзига ҳос ҳусусиятларига мувофиқ ўқув режаларидаги блоклар таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Таълим олувчилар ўқув режалар ва ўқув дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча мавзулари, масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестацияси (магистрлик диссертациясини ёқлаш) билан тугалланади.

5.2.1. Ўқув режанинг ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган минимал талаблар.

Мажбурий фанлар блоки илмий тадқиқот методологияси, илмий изланиш ва таҳлил, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, махсус фанларни ўқитиш методикаси, педагогик технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари, мутахассисликка доир долзарб ва чуқур илмий, методологик, илмий-техник, технологик билим, уқув, кўникма ва компетенцияларни таълим олувчиларда шакллантириши ҳамда муайян докторантура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

Танлов фанлари блоки мутахассислик бўйича таълим олувчилар қўшимча чуқур назарий ва амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини, инновацион усуллар ва соҳанинг ҳудудий омилларини ҳисобга олган ҳолда илмий, педагогик ва касбий компетенцияларини кенгаишини таъминлаши, таълим траекторияларига мувофиқ магистр даражасидаги касбий билим ва малакаларни ўзлаштиришга имкон яратиши лозим.

Илмий фаолият блоки илмий-тадқиқотлар назарияси ва амалиёти ўзлаштирилишини, таълим олувчилар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим. Бунда:

илмий-тадқиқот амалиёти таълим олувчилар мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, замонавий ахборот базаларини қўллаш, илмий мақолалар ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга доир билим, уқув ва кўникмаларни шакллантириши лозим;

илмий-педагогик амалиёти замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этишга доир компетенция ва кўникмаларни ҳосил қилиши лозим.

Илмий-тадқиқот амалиёти тақозо этганда якка тартибда илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида тажриба орттириш жараёни ташкил этилади. Бунда тажриба орттириш жараёнига йўлланган таълим олувчи ўқув жараёни жадвалини якка тартибдаги иш режаси асосида бажариши кўзда тутилади.

Тажриба орттириш таълим олувчиларнинг илмий-тадқиқот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танишиши, амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувини таъминлаши лозим.

5.3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалар таълим даврининг тўлиқ меъёрий муддати учун (биринчи курсдан якуний курсгача) ишлаб чиқилади ва ўқув жараёнида уларга ўзгартириш киритиш, уларни бекор қилиш, ўрнига бошқа ўқув режа ишлаб чиқиб татбиқ этишга йўл қойилмайди.

6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талабларининг асосий қоидалари

6.1. Олий таълим муассасалари битирувчилари тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган талаблар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларида баён этилади.

"Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" (ТХСК 2011)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида бакалавриат 6-малака даражасига, магистратура 7-малака даражасига мансубдир.

Бакалаврнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил самарали меҳнат фаолиятини юритишини таъминлаши ҳамда тегишли мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттириш имконини бериши лозим.

Магистрнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари мутахассислик бўйича магистр академик даражали шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти билан самарали шуғулланишини таъминлаши, тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимда (таянч докторантура, мустақил изланувчи) таҳсил олиш имконини бериши лозим.

6.2. Бакалавр ва магистрларни тайёрлаш олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастури асосида кундузги, кечки (сменали), сиртқи (махсус сиртқи) ва зарур ҳолларда масофавий таълим шаклларида амалга оширилади. Таълим жараёни кредит-модуль тизими ва рейтинг (баҳолаш) тизими асосида амалга оширилиши мумкин.

Бакалавриат ва магистратура таълим шаклларига оид ўқишнинг меъёрий муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда олий таълим давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларида қайд этилади.

Ўқув дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган бакалавриат таълим олувчиларига «бакалавр» академик даражаси, магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган магистратура таълим олувчиларига «магистр» академик даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар берилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлар ("Double degree") асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда таълим жараёни давлат таълим стандартларига таянган ҳолда маҳаллий ёки маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари ўртасида тузилган келишув (шартнома)да белгиланган талаблар асосида тузиладиган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг таълимни давом эттириш имкониятлари:

бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Муаян бакалавриат йўналишлари учун ўқишни давом эттириш бўйича магистратура мутаҳассисликларининг рўйхатини олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи белгилайди;

магистратура мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

7. Ўқув юкламасининг ҳажми

7.1. Бакалавриат.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ҳафтасига:

кредит-модуль тизими асосида таълим жараёни амалга оширилаётганда 24-32 соат оралиғида;

рейтинг (баҳолаш) тизими асосида таълим жараёни амалга оширилаётганда 22-36 соат оралиғида белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки) ўқиш шакли учун бир ҳафтада одатда беш кун, аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 20 соат қилиб белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртқи, махсус сиртқи) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шаклининг камида 30% этиб белгиланади.

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича тақсимланади:

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича белгиланганда	**Хафталар сони**	**Кредитлар миқдори**	**Академик соатлар миқдори**
3 йил	152	180	5400
4 йил	204	240	7200
5 йил	256	300	9000
6 йил	308	360	10800

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқув даврлари	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида
Назарий ва амалий таълим	40 - 60	50 - 70
Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати	*40/60 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача*	
Аттестация	6 - 11	8 - 10
Таътил	8 - 18	10 - 16
Малака амалиёти	8 - 25	6 - 12
Битирув малакавий иши*	2 - 7	2 - 3

*Битирув малакавий иши таркибига уни ҳимоя қилиш бўйича Давлат аттестациялари ҳам киради.

Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 85% умумкасбий ва иҳтисослик (махсус) фанларидан ташкил топган мужбурий ва танлов фанлари блокларидан иборат бўлиши лозим.

Ўқув режаларидаги мажбурий ва танлов фанлари блокларининг ҳажмини таълим йўналишининг ўзига ҳос ҳусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув режани ишлаб чиқарувчи олий таълим муассасаси белгилайди.

Бакалавриат таълим йўналишлари таълим олувчиларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битирув малакавий ишини бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи томонидан белгиланади.

Кредит тизими халқаро тамойилларига асосланиб фанлар каталогини тизимлаштириш ва мукбуллаштириш мақсадида ўқув режаларда кредитлар курс ва семестрлар бўйича тақсимотини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

Ўқув фанига ажратилган соат*	Фаннинг 1 ва 2 семестр давомида ўтилишига қараб ажратиладиган кредитлар	
	1-семестр	2-семестр
120	4	-
180	6	-
240	4	4
300	4	6
360	6	6

*Тақсимот магистратурага ҳам тааллуқли.

7.2. Магистратура.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича тақсимланади:

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича белгиланганда	**Хафталар сони**	**Кредитлар миқдори**	**Академик соатлар миқдори**
1 йил	50	60	1800
2 йил	100	120	3600
3 йил	152	180	5400

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқиш даврининг таркибий қисмлари	**Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида**	**Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида**	
		Даволаш фаолияти билан туташган мутахассисликлар	**Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган мутахассисликлар**
Назарий ва амалий таълим	35 - 55	45 - 55	30 - 40
Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати	*30/70 фоиз нисбатидан 40/60 фоиз нисбатигача*		
Аттестация	4 - 9	4 - 7	4 - 7
Таътиллар	6 - 16	10 - 16	10 - 16
Илмий фаолият	45 - 55	30 - 40	45 - 55

Илмий фаолият магистратура таълим олувчиларининг якка тартибдаги тақвимий иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

• илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 60-75%;

• илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25-40%.

Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 95% умумметодологик ва мутахассислик фанларидан ташкил топган мужбурий ва танлов фанлари блокларидан иборат бўлиши лозим.

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (тажриба орттириш)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

8.1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар.

Бакалавриат ўқув режаси ва ўқув дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассислар), фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD), доцентлар, фан доктори (DSc) ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши лозим.

Магистратура ўқув режаси ва ўқув дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD), доцентлар, фан доктори (DSc) ва профессорлар, шунингдек илмий унвонга ёки даражага, давлат унвонига эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши лозим.

8.2. Олий таълим муассасалари моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар.

Бакалавр ва магистр тайёрлашнинг Давлат таълим стандарни, Малака талаби, ўқув режалари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи ОТМ таълим жараёнида назарда тутилган маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотларини амалга оширишга мўлжалланган, мебель, махсус жиҳозлар, ахборот технологиялари ва асбоб-ускуналари билан таъминланган ўқув хоналари, шунингдек, курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун мўлжалланган санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва белгиланган меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига ҳамда босма ва электрон ўқув ва илмий адабиётлар, ўқув-услубий материллар билан белгиланган тартибда эга бўлиши керак.

8.3. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан тегишли равишда белгиланган рейтинг (баҳолаш) тизими ҳамда кредит-модуль тизими мезонларга мувофиқ ўрнатилган тартибда ўтказилади;

битирувчиларнинг якуний назорати олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларига мувофиқ: бакалавриатда ўқув фанлари бўйича якуний давлат аттестацияси ва (ёки) битирув малакавий иши

ҳимояси, шунигдек магистратурада магистрлик диссертацисининг ҳимояси шаклида амалга оширилади;

давлат-жамоатчилик назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ташқи назорат белгиланган тартибда олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

8.2. Олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва тегишли қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

9. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Малака талабларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби

9.1. Малака талабларининг асосий мақсади ва вазифаси – Миллий малака рамкаси, Касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий таълим бакалавриат ва магистратура битирувчиларининг билим, уқув, кўникма ва компетенцияларига қўйиладиган талабларни белгилаш.

9.2. Малака талабларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига татбиқ этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

• Малака талаблари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳар бири бўйича "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Миллий малака рамкаси, Касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

• Малака талаблари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

Зарварақ (титул варағи)да Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номи, ўрта қисмида таълим йўналиши ёки мутахассислик номи кўрсатилади;

Зарварақ **сиртида** Малака талаблари ким томонидан ишлаб чиқилгани ва киритилганлиги, ким толмондан тасдиқлангани ва жорий этилгани ҳамда хужжат мақоми кўрсатилади;

Мундарижада Малака талабларининг асосий боблари кўрсатилади;

Таълим йўналиши ёки мутахассислигининг умумий тавсифи бобида Малака талабининг қўлланиш соҳаси, асосий фойдаланувчилари, касбий фаолиятларининг тавсифи, бакалавр ёки магистр касбий фаолиятининг соҳалари, объектлари, турлари ҳамда касбий вазифалари келтирилади;

Таълим йўналишлари бўйича бакалаврнинг ёки мутахассислиги бўйича магистрнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар бобида бакалавриат ёки магистратура битирувчиси эга бўлиши зарур бўлган умумий компетенциялар ҳамда касбий компетенциялар аниқ кўрсатилади;

Библиографик маълумотлар белгиланган тартибда келтирилади;

Келишув варағида Малака талабини ишлаб чиққан таянч олий таълим муассасаси ректори имзози ҳамда уни келишув жараёнидан ўтказган олий таълим муассасалари ва ташкилотлар раҳбарларининг имзолари қўйилади.

• Малака талаблари:

А-4 форматли стандарт варақларининг "китоб" кўринишида икки тарафига "Times New Roman" шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади;

• Малака талаблари таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда тайёрланади, Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасидан ўтказилади ҳамда ушбу кенгаш ижобий ҳулосаси олингач Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;

• тасдиқланган Малака талаблари белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида эталон сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади ва ундан нусқалар кўчирилиб талабномалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига тарқатилади.

10. Ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби

10.1. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш тартиби.

10.1.1. Ўқув режаларнинг асосий мақсади ва вазифаси:

• ўқув режанинг асосий мақсади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрларнинг малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ етук ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун муайян бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига оид ўқув фанлар, уларнинг ҳажми, машғулотлар турлари, ўқув жараёнининг мазмуни, таркиби, муддатлари ва ўқитишнинг мантиқий кетма-кетлигини белгилаш ҳамда тартибга солиш;

• ўқув режанинг асосий вазифаси – муайян бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича таълим жараёни давомида ўқув фанларини семестрлар ва ўқув йиллар таркибида таълим олувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишини таъминловчи мантиқий кетма-кетликда мақбул ҳолатга келтириш, ўқув фаолияти даври, турлари, соатлар ҳажми, кредитлар ҳамда якуний назорат муддатларини белгилаш.

10.1.2. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

• ўқув режалар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳар бири бўйича "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

• ўқув режалар таълим йўналишлари ва мутахассисликларга оид мажбурий ва танлов фанлари белгиланган ҳолда, уларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, аудитория (маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва бошқа машғулотлар) ва мустақил машғулотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) амалиётлари, курс лойиҳаси, курс иши, ижодий ва бошқа ўқув вазифалари шаклида мантиқий кетма-кетликда уларга ажратилган вақт меъёрларига амал қилган тартибда шакллантирилади;

• ўқув режалар:

рейтинг тизими учун жадвал шаклида А-4 форматли стандарт варақларининг "китоб" кўринишида икки тарафига "Times New Roman" шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади;

кредит-модуль тизими учун жадвал шаклида А-4 форматли стандарт варақларининг "альбом" кўринишида бир тарафига "Times New Roman" шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади ва бирлаштириб тикилади;

зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган тартибда ўқув режалар бошқа шаклда ишлаб чиқилишига йўл қўйилади;

• ўқув режалар олий таълим муассасалари томонидан тайёрланади ва тасдиқланади;

• тасдиқланган ўқув режалар белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида, бир нусхаси тегишли олий таълим муассасасида сақланади;

• зарур ҳолларда олий таълим муассасалари томонидан ўқув режаларга қўшимча равишда факультатив, махсус курс ва бошқа турдаги машғулотлар киритилиши мумкин;

• ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режалар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) таълим шаклининг таянч ўқув режалари ҳисобланади. Булар асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки (сменали), сиртқи (махсус сиртқи), масофавий) таълим шакллари учун белгиланган тартибда ишчи ўқув режалар ишлаб чиқилади ва тегишли олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

10.2. Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш тартиби.

10.2.1. Ўқув дастурларининг асосий мақсади ва вазифаси:

• Ўқув дастурининг асосий мақсади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрнинг билими, уқуви, кўникма ва компетенцияларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян фан томонидан рақобатбардош мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва компетенциялар мажмуини белгилаш, фан мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солишдир;

• Ўқув дастурининг асосий вазифалари:

– ўқув фанига оид илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотлар мавзуларини шакллантириш, таълим шакли ва ўқув фанга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш, мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, уларнинг мантиқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлаш;

– узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини таъминлаш;

– фанни ўзлаштириш, таълим олувчиларда фанга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар, дидактик материалларни ҳамда баҳолаш воситалари ва усуллари ёрдамида таълим олувчилар билимини назорат қилиш шаклларини белгилаш.

10.2.2. Ўқув дастурда ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) амалиётлари шаклида мантиқий кетма-кетликликда белгиланади, шунингдек, ўқув фанининг мақсади ва вазифасига мувофиқ курс лойиҳаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, ижодий, лаборатория ва бошқа ишлар ажратилган вақт меъёрларига мувофиқ ўқув дастурга киритилади.

10.2.3. Ўқув дастури қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

• муқовада олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи номи, олий таълим муассасаси номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиши (мутахассислик)ларининг коди ва номлари, ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади;

• ўқув дастурининг биринчи бетида унинг асосий параметрлари (фан коди, қайси ўқув йилидан жорий этилганлиги, семестр, фанга ажратилган кредитлар (соатлар), фан тури (мажбурий/танлов), таълим тили, ҳафтадаги дарс соатлари, фаннинг номи, аудитория ва мустақил машғулотлар ҳажми, жами юклама жадвал шаклида белгиланади;

• “Фанинг мазмуни”. Бунда ўқув фанининг мақсади ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади;

• “Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)”. Ўқув фанининг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади, ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали таълим олувчиларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар қамраб олинган ҳолда ифодалаб берилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин;

• “Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар”. Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари, ушбу машғулотларни ўтказиш шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, усуллар, воситалар зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар, лаборатория ишларининг мазмуни, мақсади ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Мувофиқ равишда курс лойиҳаси ва курс ишлари, ижодий ишлар моҳияти, мазмуни, мақсади, мавзулари уларни бажариш шакллари ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Шунингдек, ушбу қисмда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади, вазифаси, шакли, мазмуни, амалиёт жараёнида таълим олувчилар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади;

• “Мустақил таълим ва мустақил машғулотлар” қисмида мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар, мустақил машғулотлар жараёнида таълим олувчилар томонидан тайёрланиши зарур бўлган ишлар реферат, эссе, мустақл (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар келтирилади;

• “Фанни ўқитиш натижалари ва шаклланадиган касбий компетенциялар”. Мазкур қисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофиқ муайян фан бўйича таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенциялар баён қилинади;

• “Талабалар кредитларни тўплаши тартиби”. Кредит-модуль тизимида фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш (баҳолаш) ва кредитларни тўплаш амалиёти ўрнатилган тартибда белгиланади;

• “Талабалар рейтингини белгилаш тартиби”. Рейтинг тизимида фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш (баҳолаш) амалиёти ўрнатилган тартибда белгиланади;

• “Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари”. Ўқув фанига оид асосий дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлар, Интернет ресурслари, диссертация, монография ҳамда бошқа тавсия этилган ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаалари келтирилади;

• ўқув дастурнинг охирги бетида уни ишлаб чиққан олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва

унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, ўқув дастур кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баённининг рақами келтирилади.

10.2.4. Ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

• ўқув дастурлар ўқув режаларда белгиланган ҳар бир ўқув фани бўйича "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларига мувофиқ давлат олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда ўқув режалардаги тегишли гуманитар фанлар (Фалсафа) таркибига "Диншунослик" ҳамда "Коррупцияга қарши кураш" мавзулар мажмуаси (модуллар)ни киритиш тавсия этилади. Мазкур фанлар ўқув дастурларини тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

• ўқув дастурлар таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мақсади, вазифаси, мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, фан мавзулари ва мазмунини белгиланган тартибда мантиқий кетма-кетликликда, ўқув фанига ажратилган вақт меъёрига амал қилган ҳолда шакллантирилади. Ўқув дастурлар мазкур стандартда белгиланган талабларга жавоб берган ҳолда Силлабус шаклида ҳам ишлаб чиқилиши мумкин;

• ўқув дастурнинг матни А-4 форматли стандарт варақларда, "Times New Roman" шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида ҳошияланган, бетларини рақамланиши варақнинг пастки қисмининг марказида жойлаштирилган ҳолатда бостириб чиқарилади;

ўқув дастурлари тасдиқланганидан сўнг А-5 форматида брошюра шаклида чиқарилади;

• олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув дастурлар олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқлиги ҳамда сифати нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан танлаб мониторинг ва таҳлил қилинади. Мониторинг ва таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига олиб чиқилади ва уларга баҳо берилади;

• тасдиқланган ўқув дастурлар белгиланган тартибда икки нусҳада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш

тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида, бир нусхаси тегишли олий таълим муассасасида сақланади;

• ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурлар (силлабуслар) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) таълим шаклининг таянч ўқув дастурлари ҳисобланади. Булар асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки (сменали), сиртқи (махсус сиртқи), масофавий) таълим шакллари учун белгиланган тартибда ишчи ўқув дастурлар ишлаб чиқилади ва тегишли олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил "16" июлда ги 311-сон буйруғининг 2-иловаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ
ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ
Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

Мундарижа

Кириш
1. Қўлланиш соҳалари
2. Норматив саволлар
3. Таърифлар
4. Йўналишлар ва мутахассисликлар классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби
5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

Билим соҳаси:	Таълим	100 000
Таълим соҳаси:	Таълим	110 000
Билим соҳаси:	Санъат ва гуманитар фанлар	200 000
Таълим соҳаси:	Санъат	210 000
Таълим соҳаси:	Гуманитар фанлар (тиллардан ташқари)	220 000
Таълим соҳаси:	Тиллар	230 000
Билим соҳаси:	Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот	300 000
Таълим соҳаси:	Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар	310 000
Таълим соҳаси:	Журналистика ва ахборот	320 000
Билим соҳаси:	Бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ	400 000
Таълим соҳаси:	Бизнес ва бошқарув	410 000
Таълим соҳаси:	Ҳуқуқ	420 000
Билим соҳаси:	Табиий фанлар, математика ва статистика	500 000
Таълим соҳаси:	Биологик ва турдош фанлар	510 000
Таълим соҳаси:	Атроф муҳит	520 000
Таълим соҳаси:	Физикага оид фанлар	530 000
Таълим соҳаси:	Математика ва статистика	540 000
Билим соҳаси:	Ахборот-коммуникация технологиялари	600 000
Таълим соҳаси:	Ахборот-коммуникация технологиялари	610 000
Билим соҳаси:	Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳалари	700 000
Таълим соҳаси:	Муҳандислик иши	710 000
Таълим соҳаси:	Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш соҳалари	720 000
Таълим соҳаси:	Архитектура ва қурилиш	730 000
Билим соҳаси:	Қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалиги ва ветеринария	800 000

Таълим соҳаси:	Қишлоқ хўжалиги	810 000
Таълим соҳаси:	Ўрмончилик хўжалиги	820 000
Таълим соҳаси:	Балиқчилик хўжалиги	830 000
Таълим соҳаси:	Ветеринария	840 000
Билим соҳаси:	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	900 000
Таълим соҳаси:	Соғлиқни сақлаш	910 000
Таълим соҳаси:	Ижтимоий таъминот	920 000
Билим соҳаси:	Хизматлар	1000 000
Таълим соҳаси:	Хизмат кўрсатиш соҳаси	1010 000
Таълим соҳаси:	Гигиена ва ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси	1020 000
Таълим соҳаси:	Хавфсизлик хизматлари	1030 000
Таълим соҳаси:	Транспорт хизматлари	1040 000

Кириш

Олий таълим бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори (бундан кейин Классификатор деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг ахборотларни кодлаш ва таснифлаш ягона тизимининг (КТЯТ) таркибий қисмидир.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Классификатор UNESCO томонидан жорий қилинган "Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" (ТХСК 2011) ҳамда "ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" (ТХСК-С 2013) принциплари асосида тузилган.

1. Қўлланиш соҳалари

Мазкур стандарт:

1.1. Давлат, жамият ва шахснинг амалдаги ва истиқболдаги эҳтиёжларига, шунингдек, янги талаб қилинаётган йўналишлар, биринчи навбатда, юқори ва инновацион технологиялар соҳаси бўйича меҳнат бозори конъюктураси ҳамда профессионал кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тенденцияларига мувофиқ олий таълимнинг Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган йўналишлари ва мутахассисликларини тартибга солади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларини бошқаришнинг барча босқичларида, шунингдек мамлакатимизнинг давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларини қамраб олувчи халқаро муносабатлари амалиётида, ахборотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ва айрибошлаш жараёнида:

ўқишга қабул қилиш ва мутахассислар тайёрлашни бошқариш;

мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга бандлигининг статистик ҳисоботи;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар таълим статистикасини таққослаш;

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг халқаро таълим тузилмасига уйғунлашуви вазифаларини ҳал қилишда фойдаланишга мўлжалланган.

1.3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини белгилайди.

2. Норматив ҳаволалар

O'z DSt 6.01.1:2007. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Асосий қоидалар;

O'z DSt 6.01.2:2007. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Таснифлагич ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.

Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК 2011). UNESCO, 2011 й.


ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари (ТХСК-С 2013). UNESCO, 2013 й.

3. Таърифлар

3.1. **Классификатор** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхатидир. Унда ўнта билим соҳаси назарда тутилган:

1. Таълим.
2. Санъат ва гуманитар фанлар.
3. Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот.
4. Бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ.
5. Табиий фанлар, математика ва статистика.
6. Ахборот-коммуникация технологиялари.
7. Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳалари.
8. Қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги ва ветеринария.
9. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот.
10. Хизматлар.

3.2. Классификаторда таълим даражалари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари саккиз рақамли код билан белгиланади. Код рақамлари қуйидагича киритилади:



Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим даражаси бакалавриат йўналишларида "6" рақами, магистратура мутахассисликларида "7" рақами билан белгиланади. Масалан: бакалавриат йўналишлари коди 60110100, 60210200 ва ҳакозо; магистратура мутахассисликлари коди 70110101, 70210202 ва ҳакозо.

3.3. Атамалар:

Йўналиш — 6-даража (босқич)нинг ўқув режа ва фан дастурлари бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси.

Мутахассислик — 7-даража (босқич)нинг ўқув режалар ва фанлар дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи муайян мутахассислик бўйича билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси.

4. Йўналишлар ва мутахассисликлар классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

4.1. Классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган топшириқлар, вазирлик ва идоралар, кадрлар буюртмачи корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан киритилади.

4.2. Йўналиш ва мутахассисликлар классификаторини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

йўналиш ёки мутахассисликнинг илмий ва амалий аҳамиятини ҳамда меҳнат бозорида мазкур мутахассисларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжини намойиш этувчи асоснома;

бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасининг лойиҳалари;

янги йўналиш ёки мутахассисликнинг илмий-педагогик ва моддий-техник таъминоти мавжудлигини асословчи билдиришнома.

4.3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг эталони Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида сақланади.

5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	**Код**		**ТХСК-С 2013 бўйича код**
	Бакалавриат йўналишлари	**Магистратура мутахассисликлари**	
	ТХСК 2011 бўйича таълим даражалари		
	6-даража	**7-даража**	
ТАЪЛИМ	**100 000**		**01**
Таълим	**110 000**		**011**
Таълим йўналиши: *Педагогика ва психология*	**60110100**		0111
• Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият тури бўйича)		70110101	0111
• Педагогика ва психология		70110102	0111
• Таълим муассасаларининг бошқаруви		70110103	0111
• Тестология ва педагогик ўлчовларни баҳолаш		70110104	0111
• Катталар таълими		70110105	0111
Таълим йўналиши: *Мактабгача таълим*	**60110200**		0112
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)		70110201	0112
Таълим йўналиши: *Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси*	**60110300**		0112
Таълим йўналиши: *Дефектология (фаолият турлари бўйича)*	**60110400**		0112
• Махсус педагогика, дефектология (мутахассисликлар бўйича)		70110401	0111
Таълим йўналиши: *Бошланғич таълим*	**60110500**		0113
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)		70110501	0113
Таълим йўналиши: *Математика ва информатика*	**60110600**		0114

• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)		70110601	0114
• Таълимда ахборот технологиялари		70110602	0111
Таълим йўналиши: *Физика ва астрономия*	**60110700**		0114
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (физика ва астрономия)		70110701	0114
Таълим йўналиши: *Кимё*	**60110800**		0114
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)		70110801	0114
Таълим йўналиши: *Биология*	**60110900**		0114
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (биология)		70110901	0114
Таълим йўналиши: *География ва иқтисодий билим асослари*	**60111000**		0114
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география)		70111001	0114
Таълим йўналиши: *Тарих*	**60111100**		0114
• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (тарих)		70111101	0114
Таълим йўналиши: *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси*	**60111200**		0114
• Тасвирий санъат ва амалий безак санъати		70111201	0114
• Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси		70111202	0114
Таълим йўналиши: *Мусиқа таълими*	**60111300**		0114
• Мусиқа таълими ва санъат		70111301	0114
Таълим йўналиши: *Ўзбек тили ва адабиёти*	**60111400**		0114
• Ўзбек тили ва адабиёти		70111401	0114
Таълим йўналиши: *Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)*	**60111500**		0114
• Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)		70111501	0114
Таълим йўналиши: *Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили*	**60111600**		0114
Таълим йўналиши: *Ўзга тилли гуруҳларда рус тили*	**60111700**		0114
• Ўзга тилли гуруҳларда рус тили		70111701	0114
Таълим йўналиши: *Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)*	**60111800**		0114
• Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)		70111801	0114
Таълим йўналиши: *Мактабгача ва бошлангич таълимда жисмоний тарбия ва спорт*	**60111900**		0114
Таълим йўналиши: *Чақириққача ҳарбий таълим*	**60112000**		0114
• Таълим ва тарбия назарияси ва мзетодикаси (чақириққача ҳарбий таълим)		70112001	0114
Таълим йўналиши: *Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*	**60112100**		0114
• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)		70112101	0114

• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (ҳуқуқ таълими)		70112102	0114
Таълим йўналиши: *Жисмоний маданият*	**60112200**		0114
• Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси		70112201	0114
Таълим йўналиши: *Технологик таълим*	**60112300**		0114
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)		70112301	0114
Таълим йўналиши: *Профессионал таълим (йўналишлар бўйича)*	**60112400**		0114
• Профессионал таълим назарияси ва методикаси (мутахассисликлар бўйича)		70112401	0114
Таълим йўналиши: *Мактаб менежменти*	**60112500**		0188
САНЪАТ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР	**200 000**		**02**
Санъат	**210 000**		**021**
Таълим йўналиши: *Техноген санъат (турлари бўйича)*	**60210100**		0211
• Овоз режиссёрлиги (турлари бўйича)		70210101	0211
Таълим йўналиши: *Кино-телеоператорлик*	**60210200**		0211
• Кинооператорлик		70210201	0211
• Телеоператорлик		70210202	0211
Таълим йўналиши: *Санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш*	**60210300**		0211
Таълим йўналиши: *Дизайн (турлари бўйича)*	**60210400**		0212
• Дизайн (турлари бўйича)		70210401	0212
• Компьютер графикаси ва дизайн		70210402	0212
• Амалий графика		70210403	0212
• Компьютер графикаси ва бадиий сурат		70210404	0212
Таълим йўналиши: *Рангтасвир (турлари бўйича)*	**60210500**		0213
• Рангтасвир (турлари бўйича)		70210501	0213
• Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими		70210502	0213
• Мультфильм ва компьютер мультипликацияси		70210503	0213
Таълим йўналиши: *Графика (турлари бўйича)*	**60210600**		0213
• Дастгоҳ ва китоб графикаси		70210601	0213
• Хаттотлик ва миниатюра		70210602	0213
Таълим йўналиши: *Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)*	**60210700**		0213
• Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)		70210701	0213
Таълим йўналиши: *Амалий санъат (турлари бўйича)*	**60210800**		0214
• Тасвирий ва амалий безак санъати (турлари бўйича)		70210801	0214
• Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш		70210802	0214
• Бадиий кулолчилик		70210803	0214
Таълим йўналиши: *Бастакорлик санъати*	**60210900**		0215
• Бастакорлик санъати		70210901	0215

Таълим йўналиши: *Санъатшунослик (турлари бўйича)*	**60211000**		0288
• Театр санъати		70211001	0215
• Мусиқа санъати		70211002	0215
• Санъат назарияси ва тарихи (турлари бўйича)		70211003	0288
• Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш		70211004	0288
Таълим йўналиши: *Актёрлик санъати (турлари бўйича)*	**60211100**		0215
• Актёрлик санъати (турлари бўйича)		70211101	0215
Таълим йўналиши: *Режиссёрлик (турлари бўйича)*	**60211200**		0215
• Режиссёрлик (турлари бўйича)		70211201	0215
Таълим йўналиши: *Дирижёрлик (турлари бўйича)*	**60211300**		0215
• Дирижёрлик (турлари бўйича)		70211301	0215
Таълим йўналиши: *Вокал санъати (турлари бўйича)*	**60211400**		0215
• Вокал санъати (турлари бўйича)		70211401	0215
Таълим йўналиши: *Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)*	**60211500**		0215
• Фортепиано (орган)		70211501	0215
• Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)		70211502	0215
Таълим йўналиши: *Хореография (турлари бўйича)*	**60211600**		0215
• Хореография санъати ва хореография (турлари бўйича)		70211601	0215
Таълим йўналиши: *Грим санъати*	**60211700**		0215
Таълим йўналиши: *Санъат соҳасида продюсерлик*	**60211800**		0215
Таълим йўналиши: *Халқ ижодиёти (турлари бўйича)*	**60211900**		0215
• Халқ ижодиёти (турлари бўйича)		70211901	0215
Таълим йўналиши: *Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш*	**60212000**		0288
• Маданият ва санъат соҳаси менежменти		70212001	0288
• Маданиятшунослик		70212002	0288
Таълим йўналиши: *Музейшунослик (фаолият турлари бўйича)*	**60212100**		0288
Таълим йўналиши: Маданий мерос объектларини асраш	**60212200**		0288
Гуманитар фанлар (тиллардан ташқари)	**220 000**		**022**
Таълим йўналиши: *Диншунослик*	**60220100**		0221
• Диншунослик		70220101	0221
• Қиёсий диншунослик		70220101	0221
Таълим йўналиши: *Исломшунослик (йўналишлар бўйича)*	**60220200**		0221
• Қуръоншунослик		70220201	0221

• Ҳадисшунослик		70220202	0221
• Ислом ҳуқуқи		70220203	0221
• Ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар		70220204	0221
• Тасаввуф		70220205	0221
• Ислом тарихи ва манбашунослиги		70220206	0221
• Исломшунослик		70220207	0221
Таълим йўналиши: *Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)*	**60220300**		0222
• Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича)		70220301	0222
• Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари бошқаруви		70220302	0222
• Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)		70220303	0222
Таълим йўналиши: *Археология*	**60220400**		0222
• Археология		70220401	0222
• Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)		70220402	0222
Таълим йўналиши: *Фалсафа (йўналишлар бўйича)*	**60220500**		0223
• Фалсафа (соҳалар бўйича)		70220501	0223
• Шарқ фалсафаси ва маданияти		70220502	0223
Тиллар	**230 000**		**023**
Таълим йўналиши: *Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)*	**60230100**		0231
• Лингвистика (тиллар бўйича)		70230101	0231
• Мумтоз филология (турлари бўйича)		70230102	0231
• Фолкьоршунослик ва диалектология		70230103	0231
Таълим йўналиши: *Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)*	**60230200**		0231
• Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)		70230201	0231
• Синхрон таржима (тиллар бўйича)		70230202	0231
• Бадиий таржима (тиллар бўйича)		70230203	0231
• Илмий-техник таржима (тиллар бўйича)		70230204	0231
Таълим йўналиши: *Матншунослик ва адабий манбашунослик (тиллар бўйича)*	**60230300**		0232
• Матншунослик ва адабий манбашунослик *(тиллар бўйича)*		70230301	0232
Таълим йўналиши: *Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)*	**60230400**		0232
• Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)		70230401	0232
Таълим йўналиши: *Антропология ва этнология*	**60230500**		0232
• Этнография, этнология ва антропология		70230501	0232
• Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)		70230502	0232
Таълим йўналиши: *Ноширлик иши*	**60230600**		0232
• Ноширлик иши ва муҳаррирлик		70230601	0232

Таълим йўналиши: *Амалий филология*	**60230700**		0231
Таълим йўналиши: *Компьютер лингвистикаси*	**60230800**		0231
• Компьютер лингвистикаси		70230801	0231
Таълим йўналиши: *Фолкьлоршунослик ва шевашунослик*	**60230900**		0232
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР, ЖУРНАЛИСТИКА ВА АХБОРОТ	**300 000**		**03**
Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар	**310 000**		**031**
Таълим йўналиши: *Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60310100**		0311
• Иқтисодий назария		70310101	0311
• Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70310102	0311
• Макроиқтисодиёт		70310103	0311
• Микроиқтисодиёт		70310104	0311
• Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик		70310105	0311
• Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари		70310106	0311
• Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш		70310107	0311
Таълим йўналиши: *Эконометрика*	**60310200**		0311
• Эконометрика		70310201	0311
Таълим йўналиши: *Минтақавий иқтисодиёт*	**60310300**		0311
• Минтақавий иқтисодиёт		70310301	0311
Таълим йўналиши: *Иқтисодий хавфсизлик*	**60310400**		0311
• Иқтисодий хавфсизлик		70310401	0311
Таълим йўналиши: *Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60310500**		0311
• Рақамли иқтисодиёт		70310501	0311
Таълим йўналиши: *Геология-қидирув ишлари иқтисодиёти*	**60310600**		0311
Таълим йўналиши: *Сиёсатшунослик*	**60310700**		0312
• Амалий сиёсатшунослик		70310701	0312
Таълим йўналиши: *Халқаро муносабатлар*	**60310800**		0312
• Халқаро муносабатлар ва замонавий сиёсий жараёнлар		70310801	0312
• Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати		70310802	0312
Таълим йўналиши: *Психология (фаолият турлари бўйича)*	**60310900**		0313
• Психология (фаолият турлари бўйича)		70310901	0313
Таълим йўналиши: *Социология*	**60311000**		0314
• Социология (йўналишлар бўйича)		70311001	0314
• Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги		70311002	0314
Журналистика ва ахборот	**320 000**		**032**
Таълим йўналиши: *Журналистика (фаолият турлари бўйича)*	**60320100**		0321
• Журналистика (фаолият турлари бўйича)		70320101	0321

Таълим йўналиши: *Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар*	**60320200**		0321
• Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар		70320201	0321
Таълим йўналиши: *Архившунослик*	**60320300**		0322
• Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик		70320301	0322
Таълим йўналиши: *Кутубхона-ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)*	**60320400**		0322
• Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)		70320401	0322
• Электрон кутубхона ва архивлар		70320402	0322
БИЗНЕС, БОШҚАРУВ ВА ҲУҚУҚ	**400 000**		**04**
Бизнес ва бошқарув	**410 000**		**041**
Таълим йўналиши: *Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*	**60410100**		0411
• Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70410101	0411
• Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70410102	0411
• Бюджет ҳисоби ва назорати		70410103	0411
Таълим йўналиши: *Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича)*	**60410200**		0411
• Солиқлар ва солиққа тортиш (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича)		70410201	0411
Таълим йўналиши: *Божхона иши (фаолият турлари бўйича)*	**60410300**		0411
• Божхона иши (фаолият турлари бўйича)		70410301	0411
Таълим йўналиши: *Молия ва молиявий технологиялар*	**60410400**		0412
• Давлат молияси ва халқаро молия		70410401	0412
• Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)		70410402	0412
• Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70410403	0412
Таълим йўналиши: *Банк иши ва аудити*	**60410500**		0412
• Банк иши ва аудити		70410501	0412
Таълим йўналиши: *Суғурта иши*	**60410600**		0412
• Суғурта иши		70410601	0412
Таълим йўналиши: *Бюджет назорати ва ғазначилиги*	**60410700**		0412
• Пенсия иши		70410701	0412
Таълим йўналиши: *Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60410800**		0412
• Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70410801	0412
Таълим йўналиши: *Биржа иши*	**60410900**		0412
• Капитал бозори ва биржа иши		70410901	0412
Таълим йўналиши: *Инвестицион лойиҳаларга хизмат кўрсатиш ва молиялаштириш*	**60411000**		0412

Таълим йўналиши: *Ислом иқтисодиёти ва молияси*	**60411100**		0412
• Ислом иқтисодиёти ва молияси		70411101	0412
• Исломда банк иши		70411102	0412
Таълим йўналиши: *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60411200**		0413
• Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70411201	0413
• Лойиҳаларни бошқариш		70411202	0413
• Аграр менежмент		70411203	0413
• PR менежмент ва PR таҳлил		70411204	0413
Таълим йўналиши: *Бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича)*	**60411300**		0413
• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича)		70411301	0413
• Бизнесни бошқариш (Master of Business Administration-MBA)		70411302	0413
• Стратегик менежмент ва халқаро бизнес (MBA)		70411303	0413
Таълим йўналиши: *Инсон ресурсларини бошқариш*	**60411400**		0413
• Инсон ресурсларини бошқариш		70411401	0413
Таълим йўналиши: *Бизнес-таҳлил*	**60411500**		0413
Таълим йўналиши: *Корпоратив бошқарув*	**60411600**		0413
• Корпоратив бошқарув		70411601	0413
Таълим йўналиши: *Логистика (йўналишлар бўйича)*	**60411700**		0413
• Логистика (йўналишлар бўйича)		70411701	0413
Таълим йўналиши: *Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)*	**60411800**		0413
• Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)		70411801	0413
Таълим йўналиши: *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)*	**60411900**		0413
• Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)		70411901	0413
• Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият йўналишлари бўйича)		70411902	0413
Таълим йўналиши: *Халқаро иқтисодиёт ва менежмент (минтақалар ва фаолият йўналишлари бўйича)*	**60412000**		0413
• Халқаро иқтисодиёт ва менежмент (минтақалар ва фаолият йўналишлари бўйича)		70412001	0413
Таълим йўналиши: *Халқаро валюта-кредит муносабатлари*	**60412100**		0412
Таълим йўналиши: *Молия соҳасида бошқарув*	**60412200**		0413
• Давлат молиявий назорати ва аудити		70412201	0413
• Корпоратив молияни бошқариш		70412202	0413

• Иқтисодиётни монетар тартибга солиш		70412203	0413
• Тижорат банкларини бошқариш		70412204	0413
• Банк ҳисоби, аудити ва назорати		70412205	0413
• Суғурта компанияларини бошқариш		70412206	0413
• Пенсия фондларини бошқариш		70412207	0413
Таълим йўналиши: *Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*	**60412300**		0413
• Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш		70412301	0413
• Сув дипломатияси		70412302	0413
Таълим йўналиши: *Агробизнес ва инвестицион фаолият*	**60412400**		0413
• Агробизнес ва инвестицион фаолият		70412401	0413
Таълим йўналиши: *Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60412500**		0414
• Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70412501	0414
• Лизинг		70412502	0414
Таълим йўналиши: *Савдо иши (турлари бўйича)*	**60412600**		0416
• Савдо иши (турлари бўйича)		70412601	0416
Таълим йўналиши: *Баҳолаш иши*	**60412700**		0416
• Баҳолаш иши ва риелторлик (объектлар бўйича)		70412701	0416
Таълим йўналиши: *Электрон тижорат*	**60412800**		0416
• Электрон тижорат		70412801	0416
Ҳуқуқ	**420 000**		**042**
Таълим йўналиши: *Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)*	**60420100**		0421
• Адвокатлик фаолияти		70420101	0421
• Халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этиш		70420102	0421
• Халқаро ҳуқуқ (соҳалар бўйича)		70420103	0421
• Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи		70420104	0421
• Спорт ҳуқуқи		70420105	0421
• Давлат бошқаруви ҳуқуқи		70420106	0421
• Солиқ ва божхона ҳуқуқи		70420107	0421
• Бизнес ҳуқуқи		70420108	0421
• Халқаро бизнес ҳуқуқи		70420109	0421
• Шартнома ҳуқуқи		70420110	0421
• Корпоратив ҳуқуқ		70420111	0421
• Табиий ресурслар ҳуқуқи		70420112	0421
• Меҳнат ҳуқуқи		70420113	0421
• Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти		70420114	0421
• Ҳуқуқ ва бизнес		70420115	0421
• Молиявий-ҳуқуқий мониторинг		70420116	0421
• Ҳуқуқ ва ахборот технологиялари		70420117	0421
• Суд фаолияти (фаолият турлари бўйича)		70420118	0421
• Прокурорлик фаолияти		70420119	0421
• Коррупцияга қарши курашиш		70420120	0421

• Тиббиёт ҳуқуқи		70420121	0421
• Қурилиш ҳуқуқи		70420122	0421
• Интеллектуал мулк ва ахборот технологиялари ҳуқуқи		70420123	0421
• Ислом ҳуқуқи		70420124	0421
• Медиация ва низоларни мукобил ҳал этиш усуллари		70420125	0421
• Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорати		70420126	0421
• Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқи		70420127	0421
Таълим йўналиши: *Давлат ва жамият бошқаруви*	**60420200**		0421
• Давлат бошқаруви		70420201	0421
• Жамият бошқаруви		70420202	0421
Таълим йўналиши: *Тергов фаолияти*	**60420300**		0421
• Тергов фаолияти		70420301	0421
Таълим йўналиши: *Тезкор-қидирув фаолияти*	**60420400**		0421
• Ташкилий-тактик бошқарув		70420401	0421
• Ташкилий-стратегик бошқарув		70420402	0421
Таълим йўналиши: *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти*	**60420500**		0421
Таълим йўналиши: *Эксперт-криминалистика фаолияти*	**60420600**		0421
• Суд экспертизаси ва криминалистика		70420601	0421
Таълим йўналиши: *Жиноий жазоларни ижро этиш*	**60420700**		0421
Таълим йўналиши: *Ташкилий-штаб фаолияти*	**60420800**		0421
Таълим йўналиши: *Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш фаолияти*	**60420900**		0421
Таълим йўналиши: *Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш (юрист-психолог)*	**60421000**		0421
Таълим йўналиши: *Патентшунослик*	**60421100**		0421
ТАБИИЙ ФАНЛАР, МАТЕМАТИКА ВА СТАТИСТИКА	**500 000**		**05**
Биологик ва турдош фанлар	**510 000**		**051**
Таълим йўналиши: *Биология (турлари бўйича)*	**60510100**		0511
• Биология (фан йўналиши бўйича)		70510101	0511
• Микробиология ва вирусология		70510102	0511
• Биотехнология		70510103	0511
• Биофизика ва биокимё		70510104	0512
Атроф муҳид	**520 000**		**052**
Таълим йўналиши: *Гидрометеорология*	**60520100**		0521
• Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология (фаолият турлари бўйича)		70520101	0521
• Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)		70520102	0521

• Иқлим ўзгариши ва иқлимий хатарларни баҳолаш		70520103	0521
• Гляциология ва қор қатламлари мониторинги		70520103	0521
Таълим йўналиши: *Метеорология ва иқлимшунослик*	**60520200**		0521
Физикага оид фанлар	**530 000**		**053**
Таълим йўналиши: *Кимё (турлари бўйича)*	**60530100**		0531
• Кимё (фан йўналиши бўйича)		70530101	0531
• Радиокимё		70530102	0531
• Нефть ва газ кимёси ва технологияси		70530103	0531
Таълим йўналиши: *Нефть ва газ кимёси*	**60530200**		0531
Таълим йўналиши: *Табиий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси*	**60530300**		0531
Таълим йўналиши: *География*	**60530400**		0532
• Иқтисодий ва ижтимоий география (ўрганиш объекти бўйича)		70530401	0532
• География (ўрганиш объекти бўйича)		70530402	0532
• Амалий география (соҳалар бўйича)		70530403	0532
Таълим йўналиши: *Геология (фаолият соҳаси бўйича)*	**60530500**		0532
• Геология (фаолият турлари бўйича)		70530501	0532
• Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш		70530502	0532
• Литология		70530503	0532
• Палеонтология ва стратиграфия		70530504	0532
• Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари		70530505	0532
• Нефть ва газ геофизикаси		70530506	0532
• Геокимё, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари		70530507	0532
• Уран геокимёси ва минералогияси		70530508	0532
• Минералогия ва кристаллография		70530509	0532
• Эксперт минералогия		70530510	0532
• Петрография ва вулканшунослик		70530511	0532
• Геокимё, минералогия ва петрология		70530512	0532
Таълим йўналиши: *Нефть ва газ геологияси*	**60530600**		0532
Таълим йўналиши: *Тупроқшунослик*	**60530700**		0532
• Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича)		70530701	0532
• Экспериментал агрокимё		70530702	0532
Таълим йўналиши: *Гидрология (тармоқлар бўйича)*	**60530800**		0532
• Гидрология (ўрганиш объектлари бўйича)		70530801	0532
• Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича)		70530802	0532
• Сув ва сел омборларини ишлатиш		70530803	0532
• Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси		70530804	0532
• Гидрогеоэкология		70530805	0532
Таълим йўналиши: *Физика*	**60530900**		0533
• Физика (йўналишлар бўйича)		70530901	0533

• Ядро физикаси ва ядро технологиялари (қўллаш соҳалари бўйича)		70530902	0533
• Электроника		70530903	0533
• Қайта тикланувчан энергия манбалари ва баркарор атроф-муҳит физикаси		70530904	0533
• Яримўтказгичлар физикаси		70530905	0533
Таълим йўналиши: *Механика ва математик моделлаштириш*	**60531000**		0533
• Механика ва математик моделлаштириш		70531001	0533
• Суюқлик ва газ механикаси		70531002	0533
Таълим йўналиши: *Астрономия*	**60531100**		0533
• Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)		70531101	0533
Таълим йўналиши: *Тиббиёт физикаси*	**60531200**		0533
Таълим йўналиши: *Сейсмология ва сейсмометрия*	**60531300**		0532
• Сейсмология ва сейсмометрия		70531301	0532
Математика ва статистика	**540 000**		**054**
Таълим йўналиши: *Математика*	**60540100**		0541
• Математика (йўналишлар бўйича)		70540101	0541
• Математик иқтисодиёт		70540102	0541
• Актуал ва молиявий математика		70540103	0541
Таълим йўналиши: *Амалий математика*	**60540200**		0541
• Амалий математика (соҳалар бўйича)		70540201	0541
Таълим йўналиши: *Математик инжиниринг (ишлаб чиқариш соҳалари бўйича)*	**60540300**		0541
• Математик инжиниринг		70540301	0541
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	**600 000**		**06**
Ахборот-коммуникация технологиялари	**610 000**		**061**
Таълим йўналиши: *Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)*	**60610100**		0611
• Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)		70610101	0611
Таълим йўналиши: *Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*	**60610200**		0612
• Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		70610201	0612
• Ахборот ва мультимедия технологиялари (қўлланиш соҳаси бўйича)		70610202	0612
• Амалий информатика		70610203	0612
• Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича)		70610204	0612
• Геоахборот тизимлари ва технологиялари		70610205	0612
Таълим йўналиши: *Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)*	**60610300**		0612
• Криптография ва криптоанализ (йўналишлар бўйича)		70610301	0612
• Ахборот хавфсизлиги (йўналишлар бўйича)		70610302	0612

Таълим йўналиши: *Ахборот хавфсизлигини бошқариш*	**60610400**		0612
• Ахборот хавфсизлигини бошқариш		70610401	0612
Таълим йўналиши: *Компьютер инжиниринги ("Компьютер инжиниринги", "АТ-Сервис", "Ахборот хавфсизлиги", "Мультимедиа технологиялари")*	**60610500**		0613
• Компьютер инжиниринги ("Компьютер тизимларини лойиҳалаш", "Амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш", "Ахборот ва мультимедиа технологиялари", "Ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптоанализ")		70610501	0613
• "Электрон ҳукумат" тизимини бошқариш		70610502	0613
• Тиббиётда компьютер тизимлари		70610503	0613
• Маълумотлар илми (Data science)		70610504	0613
• Интернет ашёлари		70610505	0613
Таълим йўналиши: *Дастурий инжиниринг*	**60610600**		0613
• Дастурий инжиниринг		70610601	0613
Таълим йўналиши: *Сунъий интеллект*	**60610700**		0613
• *Сунъий интеллект*		70610701	0613
Таълим йўналиши: *Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти*	**60610800**		0613
Таълим йўналиши: *Дастурланувчи мобил тизимлар*	**60610900**		0613
Таълим йўналиши: *Телекоммуникация технологиялари ("Телекоммуникациялар", "Телерадиоэшиттириш", "Мобиль тизимлар")*	**60611000**		0688
• Телекоммуникация инжиниринги ("Ахборот узатиш тизимлари", Телекоммуникация тармоқлари", "Телерадиоэшиттириш")		70611001	0688
• Ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари		70611002	0688
• Телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминоти		70611003	0688
• Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлиги		70611004	0688
• Оптик толали тармоқлар техник эксплуатацияси		70611005	0688
Таълим йўналиши: *Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари")*	**60611100**		0688
• Мультипликацион фильмлар технологиялари		70611101	0688
Таълим йўналиши: *Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент*	**60611200**		0688
• Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент		70611201	0688
Таълим йўналиши: *Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими*	**60611300**		0688
Таълим йўналиши: *Почта алоқаси технологияси*	**60611400**		0688

Почта хизматини ташкил этиш ва технологияси		70611401	0688
Таълим йўналиши: *Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)*	**60611500**		0688
• Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (турлари ва тармоқлар бўйича)		70611501	0688
• Антенналар ва ўта юқори частотали қурилмалар		70611502	0688
• Радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари		70611503	0688
Таълим йўналиши: *Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш*	**60611600**		0688
• Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмалари ҳамда тизимлари (турлари бўйича)		70611601	0688
• Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш тизимларининг хавфсизлиги		70611602	0688
Таълим йўналиши: *Мобиль алоқа тизимлари*	**60611700**		0688
• Мобиль алоқа тизимлари		70611701	0688
• Интеллектуал ахборот-коммуникация тизимлари		70611702	0688
• Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари		70611703	0688
Таълим йўналиши: *Аудио-видео технологиялар*	**60611800**		0688
• Аудиотехнологиялар		70611801	0688
• Видеотехнологиялар		70611802	0688
Таълим йўналиши: *Махсус ёритиш технологиялари*	**60611900**		0688
• Махсус ёритиш технологиялари		70611901	0688
Таълим йўналиши: *Инфокоммуникация инжиниринги*	**60612000**		0611
Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	*70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	*70310401–Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	*70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1.	*70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2.	*70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	5
1.2.3.	*70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	*70310401–Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2.	*70310401–Иқтисодий хавфсизлик* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1.	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар	8
	Келишув варағи	9

1. *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70310401–Иқтисодий хавфсизлик магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. *70310401–Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70310401 – Иқтисодий хавфсизлик – "Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар" таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларда илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизлик фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлар тизими;

- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида, мудофаа ва хавфсизлик органларида бошқарув жараёнлари;

- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциялар, коорпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида иқтисодий хавфсизлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;

- иқтисодий хавфсизлик соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, мирко ва макро иқтисодий маконда иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

1.2.3. *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;
- мудофаа ва хавфсизлик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. *70310401–Иқтисодий хавфсизлик* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70310401–Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагигик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни қашв этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини хавфсиз бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- иқтисодий хавфсизликнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

- иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Ҳуқуқ-тартибот ва хавсизлик фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шаклларини ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект иқтисодий хавфсизлик фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар

бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш иқтисодий хавфсизлигини режалаштириш ва амалга ошириш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 70310401–Иқтисодий хавфсизлик таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда таш7кил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллай билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтқазишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профиль, ўқув даври, таълим технологиялари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, таваккалчилик, рақобат, рақобатбардошлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, иқтисодий хавфсизлик, экспертиза, ҳуқуқ-тартибот, мудофаа, хавфсизлик, иқтисодий таҳдид, эксперт хизмати, иқтисодий жиноят, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор_____**К.А. Шарипов**

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Тошкент давлат юридик университети

Ректор _____

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор_____ **М. Эсонов**

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор _____ **Т. Тешабоев**

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази

Директор _____ **Д.Қ. Ахмедов**

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Инвестициялар бўйича Тошкент шаҳар бош бошқармаси

Бошлиқ _____ **Х.Файзуллахўжаев**

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Кадрлар буюртмачилари

Кадрлар буюртмачилари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил "16" июлда ги 311-сон буйруғининг 7-иловаси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ ТАРТИБИ

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалар "Олий таълим Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар"га мувофиқ ишлаб чиқилади. Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

1. **I. Ўқув жараёни жадвали**. Бунда ўқув жараёни хафталар, назарий ва амалий таълим, аттестациялар, малакавий ва педагогик амалиёт, якуний давлат аттестациялари хафталар сони жадвал шаклда келтирилади.

2. **II. Ўқув режаси.** Бунда:

- **ўқув фан блоклари** (мажбурий ва танлов фанлари) мантиқий кетмакетликда белгиланади;

- **ўқув юклама.** Ҳар бир фан бўйича умумий юклама ҳажми, аудитория машғулотлари соатларда, яъни маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар машғулотлари, курс иши ва мустақил таълим соатлари келтирилади;

- **соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти.** Ҳар бир фаннинг курслар кесимидаги ҳафталар сони, семестрдаги аудитория машғулотлари ҳафталарининг сони, ҳамда семестрлар кесимида ҳар бир фаннинг ҳафталик соатлари келтирилади;

- **кредитларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти.** Ҳар бир фаннинг соатларидан келиб чиққан ҳолда курс, семестрлар кесимида кредитлар миқдори белгиланилади.

4. Ўқув жараёнини таркибий қисмлари бўйича жадвал кўриншида хафталар сони ва семестрлар бўйича аниқ маълумотлар келтирилади.

5. Ўқув режалар тегиши ихтисослашган кафедралар ва ўқув бўлим (бошқарма) томонидан ишлаб чиқилганидан сўнг кафедра мудири, ўқув бўлими бошлиғи, ўқув ишлар бўйича проректор томонидан, шунингдек, кадрлар буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасалар томонидан имзоланади ҳамда олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

***Мисол сифатида 60530900 - Физика* таълим йўналиши бўйича ўқув режа илова қилинади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори
_____ И.Маджидов
202__йил «__»_____
м.ў.

ЎҚУВ РЕЖА

Таълим йўналиши:
60530900 – Физика

Академик даража - БАКАЛАВР
Ўқиш муддати - 4 йил
Таълим шакли - кундузги

I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | |

1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	22	23	24	25	28
1.02	.....	Аналитик геометрия ва чизикли алгебра	180		60	28	32				120		6								6							**6**
1.03	.....	Кимё	120		60	30		30			60	4								4								**4**
1.04	.....	Ўзбек (рус) тили	120		60		60				60	4								4								**4**
1.05	.....	Хорижий тил	240		120		120				120	4	4							4	4							**8**
1.06	.....	Молекуляр физика	300		120	60	60				180	4	6							4	6							**10**
1.07	.....	Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш	360		150	60	90				210	6	6							6	6							**12**
1.08	.....	Математик физика усуллари	240		110	40	70				130	4	4							4	4							**8**
1.09	.....	Физика ўкитиш методикаси	120		60	30	30				60			4								4						**4**
1.10	.....	Умумий психология ва педагогика	240		110	40	70				130			4	4							4	4					**8**
1.11	.....	Фалсафа	180		90	30			60		90			6								6						**6**
1.12	.....	Механика	300		120	60	60				180			6	4							6	4					**10**
1.13	.....	Оптика	180		90	60	30				90				6								6					**6**
1.14	.....	Назарий механика	120		60	30	30				60				4								4					**4**
1.15	.....	Радиоэлектроника асослари	120		60	30		30			60				4								4					**4**
1.16	.....	Атом физикаси	300		135	45			90		165					6	4							6	4			**10**
1.17	.....	Квант механикаси	240		120	45	75				120					4	4							4	4			**8**
1.18	.....	Электродинамика	300		120	60	60				180					6	4							6	4			**10**
1.19	.....	Лазер физикаси	300		120	45	75				180						4	6							4	6		**10**
1.20	.....	Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси	300		120	60	60				180							6	4							6	4	**10**
1.21	.....	Электр ва магнетизм	180		90	60	30				90								6								6	**6**
1.22	.....	Термодинамика ва статистик физика	240		120	60	60				120							4	4							4	4	**8**
1.23	.....	Қаттиқ жисм физикаси	300		120	60	60				180							6	4							6	**4**	**10**
2.00		**Танлов фанлар**	**1620**		**800**	**300**	**250**	**250**			**820**			**10**	**6**	**14**	**12**	**8**	**4**			**10**	**6**	**14**	**12**	**8**	**4**	**54**
2.01		**…….**																										
2.02		**…….**	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…
…		**…….**	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…
		…….	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…
		Жами	**6840**		**3105**	**1277**	**1368**	**310**	**150**		**3735**	**30**	**30**	**30**	**28**	**30**	**28**	**30**	**22**	**30**	**30**	**30**	**28**	**30**	**28**	**30**	**22**	**228**
		Малакавий ва педагогик амалиётлар	**240**																				2		2		4	8
		Якуний давлат аттестацияси	**120**																								4	4
		Жами	**360**																				**2**		**2**		**8**	**12**
		ҲАММАСИ	**7200**																	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**240**

Изох:

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари танлов фанлари блокига киритилади, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади.
3. Курс лойиҳа, курс ишлари учун талабага мустақил таълим соатларидан 30 академик соатни ажратган ҳолда 1 кредит берилади.
4. Якуний давлат аттестацияси муддатлари таркибига битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ҳам киради.
5. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
6. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	**Ҳафталар сони**	**Семестр**	**Давлат аттестацияси**
Назарий ва амалий таълим	120	1-8	Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси
Малакавий амалиёт	13	4,6,7,8	
Аттестациялар	18	1-8	
Якуний давлат аттестациялари	6	8	
Таътиллар	45	1-8	
Кредит таълим тизимига кириш	2	1	
Жами	**204**		

ЎзМУ ўқув ишлари бўйича биринчи проректори _____

Ўқув бўлими бошлиғи _____

“Физика” кафедраси мудири _____

Кадрлар буюртмачиси:

ЎзР ФА Ядро физикаси институти директори _____

....
....

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори

_____Р.Ҳакимов
202_ йил «__» _____
м.ў.

ЎҚУВ РЕЖА

Мутахассислик:

70730304- Қурилиш конструкциялари, махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимлари монтажи

Академик даража – МАГИСТР

Ўқиш муддати - 2 йил
Таълим шакли – кундузги

I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | |

1.02	MTSS1203	Махсус темирбетон конструкциялари	120		60	30	30			кл	60	4				4				**4**
1.03	…	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	120		60	30	30				60		4				4			**4**
1.04		Қурилиш конструкцияларини ҳисоблашни автоматлаштириш	300		120	30	90			кл	180	6	4			6	4			**10**
1.05		Бино ва иншоотлар конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатлари	120		60	30	30			кл	60		4				4			**4**
1.06		Махсус металл конструкциялар	120		60	30	30			кл	60		4				4			**4**
		Европа Иттифоқи меъорларига мувофиқ қурилиш конструкцияларини лойихалаш асослари (Еврокодлар)	300		120	60	60				180		4	6			4	6		**10**
2.00		**Танлов фанлари**	**600**		**300**	**150**	**150**				**300**	**10**	**4**	**6**		**10**	**4**	**6**		**20**
2.01		…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…	…
		Жами:	**1800**		**840**	**390**	**450**			**4кл**	**960**	**24**	**24**	**12**		**24**	**24**	**12**		**60**
3.00		**Илмий фаолият**	**1800**		**810**						**990**	**6**	**6**	**18**	**30**	**6**	**6**	**18**	**30**	**60**
3.01		Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш	900		510						390	4	4	4	18	4	4	4	18	30
3.02		Илмий-педагогик иш	420		165						255	2	2	4	6	2	2	4	6	14
3.03		Илмий амалиёт (тажриба орттириш)	480		135						345			10	6			10	6	16
		ҲАММАСИ:	**3600**		**1650**	**390**	**450**				**1950**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**30**	**120**

ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ:
Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш

Изоҳ:

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Курс лойиҳа, курс ишлари учун талабага мустақил таълим соатларидан 30 академик соатни ажратган ҳолда 1 кредит берилади.
3. Якуний давлат аттестацияси муддатлари таркибига магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш киради.
4. Илмий амалиёт ва тажриба орттириш учун олий таълим, илмий тадқиқот муассасалари ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарида ўтказилади.

ТАҚИ Ўқув ишлари бўйича проректори _____

Ўқув бўлими бошлиғи _____

“Қурилиш конструкциялар” кафедраси мудири _____

Кадрлар буюртмачилари:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги _____

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ директор ўринбосари _____

“Тошгипрогор” АЖ директори ўринбосари _____

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил “16” июл даги 311-сон бўйруғининг 8-иловаси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги ўқув дастурлари (силлабуслар) “Олий таълим Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”га мувофиқ ишлаб чиқилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

1. **Зарварақ** (титул варағи)да вазирлик ва олий таълим муассасаси, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг коди ва номлари, ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

2. **Фанинг мазмуни.** Бунда ўқув фанининг мақсади ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади.

3. **Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**. Ўқув фанининг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин.

4. **Амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар.** Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари келтирилади.

5. **Мустақил таълим ва мустақил ишлар.** Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади.

6. **Таълим натижалари / Касбий компетенциялари.** Мазкур қисмда таълим йўналишига мувофиқ муаян фан бўйича талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар баён қилинади.

7. **Таълим технологиялари ва методлари.** Мазкур қисмда таълим йўналишига мувофиқ муаян фан бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтиш методлари ва технологиялари қисқа кўринишда кўрсатилади.

8. **Кредитларни олиш учун талаблар.** Бунда фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни

бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш бўйича кўрсатмалар келтирилади.

9. **Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя қилинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар келтирилади.

10. Ўқув дастурининг **охирги бетида** ўқув дастурини ишлаб чиқган олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, ўқув дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баённининг рақами ва санасилари келтирилади.

Ўқув дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида ҳошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

Ўқув дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги "китобча" шаклида бостириб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Мисол сифатида "Глобал иқтисодий ривожланиш" фани бўйича ўқув дастури илова қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____

(ОТМ ректори)

202___ йил “___”_____

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот.
Таълим соҳаси:	310 000 – Ижтимоий ва хулқ атворга оид фанлар; 320 000 – Журналистика ва ахборот.
Таълим йўналиши:	60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича); 60320100 – Журналистика.

Фан/модуль коди	Ўқув йили	Семестр	Кредитлар
MBIAF	2021-2022	2	8
Фан/модуль тури	**Таълим тили**		**Ҳафтадаги дарс соатлари**
Мажбурий	Ўзбек/рус		8

	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
1.	**Глобал иқтисодий ривожланиш**	132	96	228

2. I. Фаннинг мазмуни

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга глобал иқтисодий ривожланиш бўйича билимларнинг назарий асосларини, глобал иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, глобал даражада амал қилувчи иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси - назарий билимлар, амалий кўникмалар, глобал даражадаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндошув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш, қонунлар ва категориялар мазмун-моҳиятини билиш, уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш орқали инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.

II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

1-мавзу. "Глобал иқтисодий ривожланиш" фанининг предмети ва вазифалари

"Глобал иқтисодий ривожланиш" фанининг предмети ва услублари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви объекти ва субъекти. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва даражалари.

2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашуви концепцияларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва йўналишлари

Глобаллашувга бағишланган илмий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Глобаллашув назарияларининг ривожланиш босқичлари.

3-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувининг ҳаракатлантирувчи кучлари, белгилари ва шакллари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув омиллари ва ривожланиш босқичлари

Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувини ҳаракатлантирувчи кучлари:

капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви, хўжалик ҳаёти транснационаллашуви – йирик трансмиллий компаниялар ва молия гуруҳларининг ривожланиши, жаҳон ва миллий даражадаги бозор рақобати, фан техника тараққиёти, технологик инновация тараққиёти, хўжалик ҳаётининг эркинлашуви, товар, хизмат ва капитал бозорларини тартибга солишнинг қисқариши. Жаҳон хўжалиги эркинлашуви жараёнининг кучайиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий механизмлари.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув муаммолари ва уларнинг гуруҳланиши

Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши. Сиёсий глобал муаммолар (тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва конверсия, маҳаллий урушлар ва низолар, халқаро терроризм, ёпиқ мамлакатлар). Иқтисодий глобал муаммолар (трансмиллий капитал, иқтисодий урушлар ва низолар, ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигининг кучайиши, демографик глобал муаммолар (ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлашлар, аҳоли ортиқчалиги, тараққий этган мамлакатларда аҳоли сони қисқариши, аҳоли қариши, миграция). Шимол-Жануб, халқаро қарздорлик, молиявий-иқтисодий инқирозлар.

5-мавзу. .....

III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши), (Мустақил таълим) *ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)*

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари.
2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашуви ва хусусиятлари.
3. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашуви ва товарларни глобаллашуви.
4. .....

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

	1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари. 2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашуви ва хусусиятлари. 3. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув жараёнларини вужудга келиш ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар. 4. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашуви ва товарларни глобаллашуви. 5. ..... Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.
3.	**V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари** **Талаба билиши керак:** • глобал иқтисодий ривожланиш тушунчаси ва асослари, иқтисодий ривожланиш омиллари, иқтисодий ривожланиш назариялари ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши***; **(билим)** • глобал иқтисодий ривожланиш назариялари асосларини, иқтисодий ривожланиш қонунлари, асосий тушунчалар, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***; **(кўникма)** • талаба глобал иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий ривожланиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.*** **(малака)**
4.	**VI. Таълим технологиялари ва методлари:** • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	**VII. Кредитларни олиш учун талаблар:** жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш.
6.	**Асосий адабиётлар** 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

	тўғрисида"ги ПҚ-4300 – сон қарори. lex.uz 2. Глобальная экономика в XXI веке: диалектика идеалов и реалии конфронтации: колл. авторов: под ред. М.Л.Альпидовской, А.Г.Грязновой, О.В.Карамовой, Д.П.Соколова. - Москва: РУСАЙНС, 2017. - 154 с.; 3. Юсупов Р.А., Топилдиев С.Р., Ганиев Б.З. Глобал иқтисодий ривожланиш. Ўқув қўлланма. -Тошкент, Иқтисод, 2019. -170 с.; 4. Abdullayev S.A., Xajiyev B.D., Mambetjanov Q.Q. O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi. Darslik. – T.: "Barkamol fayz media", 2018. – 424 bet; **Қўшимча адабиётлар** 5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. – 488 б. 6. Todaro, Michael P. Economic development / Michael P.Todaro, New York University, Stephen C.Smith, The George Washington University. -Twelfth Edition, Pearson Education, Inc. New Jersey, USA, 2015. -891 p.; 7. Ahmedov D., Zahidov G., Xajiyev B., Mambetjanov Q. Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi. Darslik. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyoti matbaa uyi, 2018. 378 bet; 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5598-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5598/2313-сон) 9. Чумаков А.Н. Глобализация контуры целостного мира. М.: Проспект, 2009.-432 с.; 10. Под общей редакцией: В.Н.Зуева. Глобальное экономическое регулирование: учебник. М.: Магистр, 2013; 11. Хажиев Б.Д., Юсупов Р.А., Шарипов Қ.Б. "Глобал иқтисодий ривожланиш" фани бўйича ўқув-услубий мажмуа.- Тошкент: ТДИУ, 2019, -132 бет. **Ахборот манбаалари** 12. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали. 13. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 14. www.tradingeconomics.com – экономические показатели
7.	**Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.**
8.	**Фан/модуль учун маъсулар:** Б.Д. Хажиев - ТДИУ, "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.Э. Мамарахимов - ТДИУ, "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти,

	иқтисод фанлари номзоди
9.	**Тақризчилар:** Т.Т. Жўраев - ТМИ, "Иқтисодиёт" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (турдош ОТМ) П.З. Ҳошимов - ЎзМУ, "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент (турдош ОТМ).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил "16" июл даги 311-сон бўйруғининг
9-иловаси

Янгиланган стандартлар асосида олий таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини тайёрлаш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан жорий этиш бўйича тақвимий режа

№	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддати						
		июль			август			
		12-18	19-25	26-31	01-08	09-15	16-22	23-31
1.	Тасдиқланган давлат таълим стандартларини белгиланган тартибда Давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритиш.							
2.	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш.							
3.	Тайёрланган малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларининг лойиҳаларини белгиланган тартибда тасдиқлаш.							
4.	Янги ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида таълим жараёнининг тегишли ўқув-услубий хужжатларини тайёрлаш.							
5.	Янги меъёрий-услубий хужжатлар асосида ишлаш бўйича профессор-ўқитувчилар орасида мақсадли семинар ва тренинглар ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилига тайёргарлик кўриш.							